



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

● 1992 йил мартдан чиқа бошлаган

● 1993 йил, 17 сентябрь № 38 (77) ●

Сотувда эркин нархда

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ЭЪТИБОРДА

«Ўзбектелеком» концерни кенгашининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазир К. Р. Раҳимов, вазир ўринбосари В. А. Кравченко, Тошкент шаҳридаги қатор алоқа корхоналарининг раҳбарлари, вилоят электр алоқа корхонаси бошлиқлари иштирок этишди.

Вазирнинг таклифига кўра, энг аввало концерни расислигига номзод масаласи кўриб чиқилди. Маълумки, шу йил май ойида ўтказилган концерн кенгаши мажлисида концерннинг собиқ раиси Р. Ф. Валиев вазирлик раисига чақириб олиниб, улар ўринбосари вазифасини бажара бошлаганди. Ушандан буён янги раҳбар тайинлаш масаласи урганилаётган эди. «Вазирлик раҳбарияти, — деди ўзининг қисқа сўзида К. Р. Раҳимов, — шунга ҳисобга олинди, мазкур вазифага лойиқ топилган киши концерн ишини ташкил этиш қобилиятига эга бўлиб, бозор шартшароитида ўтиш даврида, янги иқтисодий муносабатлар пайтида пухта иш тута биллиши даркор».

Кўпчилик номзодлар орасидан икки киши — ҳозирги пайтда концерн раиси вазифасини бажариб турувчи А. Х. Алимбоев ҳамда Сурхондарё вилоят давлат электр алоқаси корхонасининг бош муҳандиси Т. М. Бекметовлар танланди. Вазирлик ҳайъатида мазкур номзодлар кўриб чиқилиб, концерн кенгашига тавсия этилди.

Албатта, кенгаш аъзолари бўлган корхона раҳбарлари ўз номзодларини таклиф қилишлари мумкин. Аммо бу борада фикр билдирилмади. Боз устига ўтган уч ой мобайнида уларнинг кўпчилигига шу вазифада ишлаш таклифи этилди. Аммо буни ҳеч ким қабул қилмади. Шунга ҳисобга олиш лозимки, тавсия қилинган номзодлар 8ш ва қотиб қолган фикрлардан холи бўлиб, бозор муносабатларини ҳал этишда ташаббускорлик кўрсатиши лозим. Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан В. А. Кравченко, Ш. З. Юнусов, А. Х. Алимбоевлар, Т. М. Бекметовнинг номзодини маъқуллашди. Ҳар бир кенгаш аъзосига ўз фикрини билдиришга имкон туғдирилди. Вилоятлардаги давлат электр алоқаси корхонасининг бошлиқлари А. Б. Эшонов, И. Р. Чакидзе, У. Т. Таженов, Х. С. Нурматов, Б. И. Тунгишбоевлар, Т. М. Бекметовнинг концерн раиси этиб тайинлаш борасидаги таклифларини қўллаб-қувватлашди.

Алоқа вазири К. Р. Раҳимов шунга маълум қилдики, концерн кенгаши аъзолари фикри инобатга олинган ҳол-

да вазирлик ҳайъати тавсияси асосида масала кўшимча ўрганиб чиқилгач, «Ўзбектелеком» концерни раисини тайинлаш масаласи юзасидан тегишли қарор қабул қилинади.

Концерн кенгаши 1993 йилнинг 8 ойлик иш якунларини кўриб чиқди. Мазкур масала юзасидан концерн раиси вазифасини бажарувчи А. Х. Алимбоев маъруза қилди. Жорий йилнинг ўтган даврида концерн бўйича 7,8 миллиард сўмлик иш бажарилди. Шу даврда 5,5 миллиард сўм харажат қилинди. Корхонада қолган фойда 1,1 миллиард сўмни ташкил этади. Концерн бўйича меҳнат унумдорлиги 42 фонзини ташкил қилади. Утган 8 ойни барча вилоят электр алоқа корхоналари фойда билан якунлашди. Фақат Тошкент таксофонлар туғуни 6,1 миллион сўм зарар кўрди. Концерн бўйича ўртача иш ҳаққи 34,5 минг сўмни ташкил қилди. Аммо бу кўрсаткич тармоқ касба уюшма Марказий Қўмитаси билан концерн ўртасида тузилган шартномада кўрсатилганидан камдир.

Маърузачи шунга таъкидладики, самарадорлик ҳар хил бўлди. Кимдадир у юқори бўлса, бошқача пастдир. Жумладан, меҳнат унумдорлиги Хоразм давлат электр алоқа корхонасида 16,8 фойз бўлса, Наманган вилоятида 91 фонзини, Тошкент вилоятида 52 фонзини ташкил қилади. Бу шунга кўрсатилгани, ҳисоб-китоб ишларида номуносиблик мавжуд бўлиб, маблаг ва материалларнинг ҳаракати ҳужжатларда изчил қайд қилиб борилмади. Ени бўлмас тарифлар ҳам вилоятлар орасида бир-бирдан фарқ қилади.

Наманган вилоятида телефондан фойдалангани учун муассасалар бир йилда 96 минг сўм тулашса, бу рақам Хоразм вилоятида бор-йўғи 9,6 минг сўмни ташкил этади. Шу боис вилоят электр алоқаси ходимларининг маоши энг паст — 24,8 минг сўмдир. Ваҳоланки, ойлик иш ҳақини оширишнинг имкониятлари бор. Корхоналарда ишчилардан унйирилмаган қаралар миқдори ошиб бормоқда. Концерн бўйича бу рақам бир миллиард сўмга боради. Борган сари қара миқдори ошиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда).



Уч оғанилар

Сураткан А. ТҒРАЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП ?

* ЯНГИЛИКЛАР * ХАБАРЛАР * ВОҚЕАЛАР *

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Эдуард Ройтер бошчилигидаги «Даймлер бенц аҒ» концерни делегациясини қабул қилди.** Суҳбат чоғида ҳар икки томон учун фойдали фикрлар билдирилди.

● Тошкентда Ўзбекистон, АҚШ, Туркия, Туркмаинистоннинг машҳур кулолларни анъанавий анжумани ўтказилди. Бу уларнинг 4-чи бор учрашувидир.

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти «1993 йил 1 сентябрдан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида» фармони чиқарди.**

● **Ўзбекистон Президенти АҚШда нашр этиладиган «Ю Эс Эй Тулей» («Бугунги АҚШ») газетасига «Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти тўғрисида мақола тайёрлаш учун келган «Юнайтед**

Уорлд Лимитед» («Бирлашган дунё») мустақил ахборот агентлиги муҳбирлари Сенкл Морин ховим ва жаноб Ян Лем Кострони уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

● **Мамлакатимиз Президенти АҚШ давлат департаментининг махсус тошриқлар бўйича элчиси жаноб Строб Талботтин қабул қилди. Суҳбат чоғида И. Каримов меҳмонга Ўзбекистоннинг ўзини, бугунги кунга ва келajak режалари хусусида муфассал ҳикоя қилиб берди.**

● Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавақулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ботирша-Ули Сайлау мамлакатимиз Президенти И. Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

● **Грузия ҳукуматининг раҳбари Эдуард Шевариад**

зе ўзининг истеъфого чиқишини маълум қилди. Грузия парламенти ушнинг илтимосини рад этди.

● **Украина Бош вазири Леонид Кучма истеъфого чиқиш тўғрисида гапирди.** Украина Президенти Леонид Кравчук бу масала Олий Кенгашда ҳал этилгунга қадар Бош вазирдан ўз вазифасини бажариб туришини илтимос қилди.

● **Душанбеда беш кун давомида тожиклар ва хориздаги аҳолининг иккинчи анжумани бўлиб ўтди.** Унга 21 чет эл давлатидан вакиллар келди.

● **10 сентябрдан бошлаб Москвада АИ-92 бензинининг бир литри 140 рубл, А-76 бензинининг бир литри 130 рубл, дизель ёқилғини эса 120 рубл бўлди.**

● **Вашингтонда Фаластин —Исроил битими имзоланди.** Унга кўра, Газа сектори ва Иерихон туманида Фаластин мухторияти ўриштилади. Бу билан 45 йилдан бери давом этиб келётган Фаластин — Исроил можаросига чек қўйиш йўлида салмоқли қадам қўйилди.

БУГУНГИ СОНДА:

- САККИЗ ОЯ ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛГАНДА...
- ОРЗУГА АЯБ ЯҲК
- ОМАДЛИ БУЛИШНИ ИСТАЙСИМИ?
- ҚҶЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

- ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИ-ЕТ НЕГИЗИ
- ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА БИНОЛАРИ ҚАД РОСТЛАМОҚДА
- ТЕЛЕФОНДА СЎЗЛАШГАНДА ОҒОҲ БҶЛИНГ!
- ПАЙҒАМБАРИМИЗ, НАСИ-ҲАТЛАРИ



Жумҳуриятимиздаги почта хизмати мана 1,5 йилдики, «Ўзбекистон почтаси» концерни раҳбарлигида фаолият кўрсатмоқда. Концерн мустақил иш кўриб, электр алоқаси корхоналаридан ажралган ҳолда барча молиявий-иқтисодий ҳамда ташкилий ишларини бевосита ўзи ҳал қила олади. Бу юмуш собиқ СССР жумҳуриятлари ўртасида илк бор амалга оширилганди.

Ҳўш, почтачилар янги шароитда қандай меҳнат қилишмоқда? Истиқболни кўзлаб қандай муаммолар ҳал этиляпти? «Ўзбекистон почтаси» концерни кенгаши мажлисида ана шу масалалар атрофида муҳокама этилди.

Мажлисида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири К. Р. Раҳимов концерн раиси хусусидаги масалани муҳокама этишни таклиф қилди. «Ҳозир, — деди вазир, концернни Алоқа вазирининг ўринбосари М. К. Носирова бошқармоқда. У айтиш мумкин, икки вазифада ишлапти. Концерннинг оёққа туриш даврида, уни мустақил ташкилот сифатида фаолият кўрсатиш пайтида, янги иш юритишга ўтилаётганда жумҳурият миқёсида фикрлайдиган ва кенг имкониятларга эга бўлган шахсни раҳбарлик қилиши маъсадга мувофиқдир. Сир эмаски, почта хизматини электр алоқасидан ажратиб осон қўлади. Бунинг учун собиққадамлик билан ишлаган ҳолда оқ нарса йўқотиб, кўп нарсага эришиш тақозо этиларди».

Вазирнинг фикрича, М. К. Носирова зиммасига юклатилган вазифани муваффақиятлик бажариши мумкин. Ҳозирги кунда «Ўзбекистон почтаси» концернида етарли иш шароити яратилди. Утган бир ярим йил тажрибаси шунини кўрсатдики, почта корхоналари мустақил ҳаракат қила олишлари мумкин. Утган даврда «Алоқа тўғрисида» қонун қабул қилиниши билан Алоқа вазирининг фаолияти тақомиллашиб, почтачиларга солиқ тўлашда енгиллик берилди. Бундан ташқари МДХЛга аъзо бўлган мамлакатлар билан боғлиқ бўлган бир қатор масалалар ҳал этилди. Бугунги кунда Алоқа вазирилик мутлақо янги вазифалар асосида иш кўрмоқда. Бу борадаги хатти-ҳаракат корхоналар ишини бошқаришга бориб тақалмайди, аксинча, уларга тўла мустақиллик берилган.

Бундан кейин вазирилик мамлакатимиз миқёсида алоқа хизматини бошқариб, унга раҳбарлик қилади. Айрим концерн таржибига кирмаган корхоналар вазирилик иқтиёрида қолган, холос. Шу билан бирга вазирилик соҳага дахлдор ҳужжатларни ишлаб чиқиш, лицензиялар, сертификатлар беришни ўз зиммасига олади.

Шуни айтиш лозимки, вазирилик бу борадаги тушутиришлари нафақат почтачиларга, балки жумҳуриятдаги барча алоқачиларга тааллуфлидир. К. Р. Раҳимов сўзида давом этиб шунини таъкидладики, бу шароитда вазирилик ҳайъати вазири ўринбосари ва концерн раиси вазифаларини бир-биридан ажратиб лозим топди ва М. К. Носировани вазирилик девонига ишга чақириб олишга қарор қилди. Бундан кейинки номзод мажлисдан чиқиб кетишиди. Бу билан улар кенгаш аъзоларига ояч фикр юритиш имконини яратди. Кўпчилик кенгаш аъзолари С. С. Акбаров номзодини ёқлаб чиқишди.

Концерн раисини тайинлаш бўйича якуний қарор вазири томонидан қабул қилинади ва бўйруқ билан расмийлаштирилади.

Алоқа вазири К. Р. Раҳимов ўз сўзида кенгаш аъзолари эътиборини жумҳурият почта корхонаси фаолиятидаги салбий ҳолатларга қаратди. Йилнинг ўтган даврида хат жўнатиш 8 марта, юбортма жўнатиш 5,5 марта, пул жўнатиш 3 марта, шонилчинома жўнатиш 2 марта камайган. Фақат нафақа ва ёрдам пули тарқатиш ўтган йил даражасида сақлаб қолинди. Аммо фойда кўриш ва иш ҳақи ошири

ни ва 3466 та алоқа бўлими фақат нафақа ва ёрдам пули тарқатиш билан банд. Ҳисобот даврида 2 миллион нафақачўрға 100 миллион сўм тарқатилди. Сўзаси бу катта юмуш албатта. Аммо бу билан чегараланиб қилиш керак эмас. Умуман, ўтган 8 ой мобайнида кўрсатилган хизмат бўйича 5,5 миллиард сўм даромад олинди. Бунинг учун 4,3 миллиард сўм харajat қилинди. Қўрилган фойда 873 миллионни ташкил этади. Концерн бўйича меҳнат унумдорлиги 20 фоздир. Даромадларнинг фақат 16 фозини почта хизматидан тушган. Бу рақам йил давомида 9,5 фозга камайиб кетди. Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида почта хизмати бўйича тушумлар 10 фоздан ҳам камдир.

борада камчиликлар мавжуддир. Ҳатто эндигина иш бошлаган «Халқаро почта-тамт» ҳам нохушликлар юз бермоқда. Корхона раҳбарлари республика прокуратураси тавсияномаси ва Алоқа вазирилик ҳайъати қарорларидан тўғри хулоса чиқариб олишмаган қўринади.

Турли сабабларга кўра почта хизмати камайгани бос иш ҳажминини қисқартиришга тўғри келмоқда. 6 йўналиш бўйлаб, шу жумладан Москва, Иркутск, Қозон, Красноярск шаҳарларига қатнайдиган почта вагонларидан воз кечилди. Бошқа йўналишларда ҳам почта хизматини 2-3 марта камайтиришга мажбур бўлинди. Шу пайтгача ҳаракатда бўлган 98 та почта вагонидан фақат 36 таси ҳаракат қилаётди.

Барча почта алоқаси корхоналарида пулли хизмат ва тарифларини тўғри йўлга солишнинг деб бўлмади. Шу бос бу борада йўқотишлар юз бермоқда. Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ўртача хизмат ҳақи бошқа вилоятлардагиларга қараганда 2-3 баробар камдир. Ўз вақтида пул ўтказилмаганлиги сабабли почта корхоналари 4 миллион сўм жарима тўлашди. Биргина Андижон вилоят почта корхонасида бу рақам 2,5 миллион сўмини ташкил этади.

Етарли маблағга эга бўла туриб, айрим раҳбарлар почта ходимларининг маошини ошириш борасида қасаба уюшмалари Марказий Қўмитаси билан тузилган шартномани бажаришмайпти. Шартномада ўртача ойлик маоши 30 минг сўмга етказилиши лозим бўлган ҳолда у фақат 26,9 минг сўмини ташкил қилмоқда. Ваҳоланки, корхоналардаги мавжуд маблағлар ана шу мақсад учун сарф этилмайпти.

Қўрилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорларда Ўзбекистонда почта алоқаси корхоналари фаолиятини тубдан яхшилаш тадбирлари кўрсатиб ўтилди. Ўз-ўзидан қўрилиб турибди. «Ўзбекистон почтаси» концернининг янги раҳбари зиммасига асосий фаолият йўналишини тубдан ўзгартириш, аҳолига почта хизмати кўрсатишни ривожлантиришга эътиборни қаратиш, хизмат сифати ва маданиятини ошириш вазифаси юклатилди.

ЯНГИЧА ИШЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

йин у фақат вазири ўринбосари лавозимини эгаллайди ва вазирилик раҳбарияти ўртасида белгиланган вазифаларини бажаради.

Вазирнинг ўринли ва асосий фикрларидан сўнг «Ўзбекистон почтаси» концерни кенгаши аъзоларида бошқача ўйлашга ҳожат қолмади ва улар М. К. Носировани концерн раислигидан бўшатишга розилик берди. Мазкур таклифни кенгаш аъзолари, вилоят почта корхонаси бошлиқлари К. И. Иброҳимов, К. П. Пулатов, Н. К. Каримов, Ю. Р. Мухчи ва бошқалар ўз сўзларида маъқуллашди.

Ушбу масаланинг иккинчи қисми демократия ва муқобиллик асосида ҳал этилди. Концерн раислигига янги киши — концерн раисининг ўринбосари бўлиб ишлайтган С. С. Акбаров ва Тошкент шаҳар матбуот тарқатиш корхонаси бошлиғи Р. С. Қосимов номзоди кўрсатилди. Кенгаш аъзолари ҳар икки номзод лойиҳалигини таъкидлашди, уларнинг ҳар бирида ижобий ва салбий томонлар мавжудлигини баён этишди. (С. С. Акбаровнинг таклифи билан ҳар

бормоқда. Бунинг ўзига хос томонлари бор. Почта хизматининг кескин камайиб кетишининг олдини олиш борасида алоқачилар кўп иш қилиши лозим. Бунинг туб сабабларини аниқлаш ва уни бартараф этиш учун тадбирлар белгилаш бугуннинг талаби. 1993 йилнинг охирида вазирилик ҳар бир вилоят почта корхоналари фаолиятини кўриб чиқади ва хизмат маданиятини ошириш, ишни ўнглаш борасида олиб борилган хатти-ҳаракатга баҳо берилади. Ҳар бир корхона раҳбари бўйича тегишли хулоса чиқарилади.

Концерн кенгашида 1993 йилнинг 8 ойлик иш якунилари ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳақда концерн раисининг ўринбосари П. Б. Нам маъруза қилди. Маърузачи шунини таъкидладики, почта алоқаси корхоналари муваффақиятлик иш юритиш учун барча шарт-шароитларга эга бўлишига қарамай, бор имкониятлар ишга солинмаётди. Хизмат кўрсатиш кескин камайганига қарамай, малакали хизмат кўрсатиш оқсамоқда. Афсуски, жумҳуриятдаги 195 та почта туғу-

Маърузачи ва сўзга чиққан кенгаш аъзолари аҳоли, бошқарув органлари жойлардаги почта алоқасининг сифатсиз ишидан норазо эканлигини айтиб ўтишди. Бу борада ўринли шикоятлар тушмоқда. Айниқса Тошкент шаҳрида, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги алоқа бўлимлари устидан шикоят хатлари кўпдир. Ҳўш, мижозлар нимадан нолишмоқда? Бу асосан хат ва шонилчинома, газета ва журналлар, нафақа ва ёрдам пуллари ўз эгаларига вақтида етказиб берилмаётганлигида намоён бўлмоқда. Почта ходимларининг қўпол муомаласидан мижозлар нолишяпти. Утган 8 ой мобайнида юқори ташкилотлардан «Ўзбекистон почтаси» концернига 144 та шикоят хати юборилди.

Айрим корхоналарда юбортмалар дахлсизлигини таъминланмаган ҳолда юборилаётган пуллар йўқолмоқда. Утган даврда 2,8 миллион сўм ўзлаштирилган. Навоий, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти почта корхоналари ва Тошкент почтаамтида бу

ЙУЛИНИ ТОПИШДИ

Бугунги бозор иқтисодига ўтиш даврида тежамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Айниқса мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, фақат аниқ мақсадлини кўзлаб иш бажариш муваффақият гаровидир.

Шу бос хоразмлик алоқачилар ҳам иқтисодий қийинчиликларини ўз кучлари билан енгишга ҳаракат қилишмоқда. Воҳанинг шаҳар ва қишлоқларини бир-бири билан боғлаб турган кўп километрлик телефон симлари яроқсиз ҳолга тушиб қолган. Бу эса бир қатор аҳоли гавжум бўлган қишлоқ-

лар билан боғланиш имкониятидан маҳрум этди. Алоқани қайта тиклаш учун зарур симни тез топиш эса амри маҳол эди.

«Урганчтрансгаз» бирлашмаси алоқа туғунининг бошлиғи А. Қалайдаров бундан 10 йил муқаддам унчалик зарур бўлмаган ерга ётқизилган симларини эслаб қолди. 62 километрлик телефон симидан шу чоқча ҳеч ким фойдаланмаган экан. Топилмаган 12 километри телефон алоқасини тиклашга сарфланди. Қолгани эса ҳадемай яна зарур эҳтиёжга асқотиб қолиши ҳеч гап эмас.

МАЛАКА ОШИРИШ ЗАРУРАТИ

Бозор иқтисодийтига ўтиш шароити алоқачилардан юксак билим ва малакани талаб этаётди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирилик янги ҳува курсларини ташкил этиб, почтачи, электромонтер, телеграфчиларин тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш учун тузилган бош-

лангич ўқув режаси ва дастурларини тасдиқлади. Ушбу йўриқномалар асосида концерн, алоқа корхоналари ва ташкилотлари дастлабки машғулотларини ўтказдилар. Ўқув курсларида барча зарур шароитлар яратилган бўлиб, унга тажрибали мутахассислар жалб этилган.

ПОЧТА ТУЛОВЛАРИНИНГ БИРИНЧИ БЕЛГИЛАРИ

Хатлар оқими кўпайгандан кўпайиб бораверди. Кичик дўкончаларда уларни юборишга кетадиган ҳақ учун нақд пул тўлаш, зарур қоғозларни расмийлаштириш почта алоқасини янада тақомиллаштириш йўлида ров бўлиб қолди. Шундай қилиб, 1845 йилнинг 19 нояб-рида Россияда махсус фармон билан шаҳар почталари учун нархи 8 кумуш тийин турадиган (5 тийини тарқатишга, 1 тийини конвертга) биринчи почта белгилари ишлаб чиқарила бошланди. Булар шаҳар почтасида 1 декабрь, 1845 йил пайдо бўлди.

ҚОРАВУЛБОЗОРДАН «ОСТАНКИНО» ҚУРИНАДИ

Яқинда Муборак — Қоравулбозор — Бухоро радиотелетармоғи фойдаланишга топширилади. Бухоро радиотелевидениеси ўз томошабилларига Тоjikiston теледастурлари кўрсатувларини олиб бериш имконига эга бўлади. Қоравулбозордиклар эса «Останкино» ҳамда халқаро кўрсатувларини ҳам томоша қилишади.



Олтин кўз

Суратқаш Р. ШАРИПОВ

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг ўтган сонидagi 2-саҳифада босилган «Муносиб соғва» сарлавҳали мақоланинг биринчи устундаги сўнгги қатор: «мият ажратган 58 миллион сўм» деб тузатиб ўқилсин.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ЭЪТИБОРДА

(Давоми, Боши 1-бетда).

Биргина Наманган вилояти мисолида бу рақам 200 миллион сўмдир. Ҳатто тилфонларни ўчириб қўйиш, мунтазам оғоҳлантириб турилишига қарамай, мижозларнинг қарзи йилнинг ҳар бир чорагида 40 фоиздан 70 фоизгача ўсиб бормоқда. Асосан кўрсатилган хизмат учун бюджетдаги ташиқлотлар, жамоа ва давлат хўжаликлари ўз вақтида ҳақ тўлашмайпти. Аҳоли ўртасида қардорлар 3 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда молиявий кўрсаткичлар қанчалик муҳим бўлмасин, концерн мажлисида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масалаларига кўпроқ эътибор берилди. Алоқа вазирни ўринбосари В. А. Кравченко, концерн раисининг ўринбосари М. Н. Кожакян ва бошқа кенгаш аъзолари ўз сўзларида шу масалада фикр билдиришди. Ҳақиқатан ҳам хизмат кўрсатиш ҳақи кескин ошиб, янги биналар қуриш ва соҳани ривожлантириш ўз-ўзидан оқсаётган бўлишига қарамай, сифатли хизмат кўрсатиш аспект алоқаси корхоналарининг бош вазифаси бўлиб қолмоқда. Афсуски, кўпгина корхоналарнинг бу борадаги кўрсаткичлари та-

лабга жавоб бермайди. Утган 8 ой мобайнида концерндаги асосий 16 та кўрсаткичдан 11 тасида олға сиклини бор. Барибир шуни таъкидлаш лозимки, бир қатор корхоналарда ижобий натижага эришилмаган. Жумладан, Фаргона вилоят электр алоқа корхонаси бўйича қишлоқ жойлардаги телефон тармоғида, Андижон вилоятида шаҳар телефон тармоғида, Қашқадарё вилоятида радиоланттиришда, Жиззах вилоятида телефон алоқасида, Навоий вилоятида шаҳарларо телефон сўзлашувда хизмат кўрсатиш маданияти паст. Мазкур корхоналардаги ахвол қонқарчи деб бўлмайди. Сифат бўйича тузилган жадалда Тошкент, Андижон ва Жиззах вилоят электр алоқаси корхоналари охириги ўринни эгаллашади. Кенгаш йиғилишида бир қатор вилоятларда телефон ва радионўтталар сони камайиб кетаётгани таъкидлаб ўтилди. Умуман, жорий йилда жумҳурият бўйича телефон рақамлари 44 мингтага, радионўталар 275 мингтага камайиб кетди. Маҳаллий ва шаҳарларо телефон тармоғи 5358 тага қисқарди. Бундай ҳолга барҳам бериш лозим, дейишди кенгаш аъзолари. Капитал қурилиш масала-

си ҳам мажлисида атрофлича кўриб чиқилди. Бу йил ишга туширилиши керак бўлган биналарнинг фойдаланишига топширилишига эришиш лозим. Янги биналарни ишга тушириш борасида Наманган ва Хоразм вилояти электр алоқа корхоналари иши қайд этилиб ўтилди. Умуман олиб қараганда, маблағлар 55,4 фоиз ўзлаштирилган, 66 фоиз қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Фақат учдан бир қисм биналар фойдаланишига топширилган. Жиззах, Андижон, Сирдарё, Фаргона вилоят электр алоқаси корхоналари капитал қурилишига кам маблағ сарфлашмоқда. Ванқдан қарз олишмайпти. Қарз олган Навоий, Жиззах, Андижон, Сирдарё, Фаргона вилоят электр алоқаси корхоналари уни ўз вақтида ўзлаштиришмайпти. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Агар шу ҳол юз берса, алоқа тармоғини қайта қуриш ва уни ривожлантиришига имкон туғилмайди. Бу борада олиб борилаётган иш бўйича вилоятлардаги электр алоқаси корхонаси бошлиқлари Б. И. Тунгшибоев, Ҳ. С. Нурматов, М. Ҳ. Қодиров, А. Б. Эшовов, У. Т. Таженов, Р. И. Гафуров, А. Б. Бекназаров сўзга чиқишди, фикр-мулоҳазалар

билдиришди. Ишни яхшилаш бўйича таклифлар ўртага ташланди.

Кенгашда концерн девонининг ижрочилик фаолиятини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар кўриб чиқилди. Бу масалада сўзга чиққан А. Х. Алимбоев белгиланган бир қатор таъбирлар бажарилганини таъкидлаб ўтди. Аммо ўтган мажлисида концерн девонини маҳалла мутахассислар билан мустаҳкамлаш, замонавий иш тартибининг жорий этиши, ташаббускорликка кенг йўл очиб бозор муносабатларини дадил ва собитқадамлин билан жорий этиш талаб этилганди. Афсуски, ҳозирча концерн девони ва унинг корхоналарида бозор иқтисодийти ўзини кўрсатмайпти. Айрим корхона раҳбарлари кенгашда сўзга чиқишганда ўтган даврда бажарилган ишлар бўйича асосий кўрсаткичларни ҳам айтиб бера олишмади. Бугунги талаб ҳар бир раҳбар зиммаларга катта масъулият юклармоқда. Улар фақат хизмат курсисига ёпишиб олмай, дадил ҳаракат қилмоғи керак. Ўз ишини билмаган бошлиқлар вазифасидан бўшатилиши, уларнинг ўрнига бугунги талабларга жавоб берадиган раҳбарлар тайинлангани давр талабидир.

Кенгаш мажлисида йил охиригача йўл қўйилган амалчиликларни бартараф этишни талаб этувчи қарорлар қабул қилинди. Концерн девони ишини янада жонлантириш, хизмат кўрсатишни аҳоли талабларига тўла жавоб берадиган даражага етказиш муҳимдир.



ТЕЛЕФОННИ УЗИБ ҚЎЙИШДИ

Наманган алоқачилари сўзлашув ҳақини тўламаган барча корхона ва ташиқлотларини шаҳарларо телефон алоқасидан маҳрум этдилар. Вилоят бўйича корхона, ташиқлот ва хўжаликлар қарзи 200 миллион сўмини ташкил этади. Улардан 80 миллионини шаҳар корхона ва ташиқлотларига тегишли. Алоқачилар ўз қаржатларини шу йўқинда қоплашлари, тушунарли. Фақат алоқачиларнинг бу қатъий ҳаракатларига шаҳарликлар ҳар хил баҳо беришайтир.

Корхоналар тезкор шаҳарларо телефон хизматисиз кун кечира олмайди, қўлаб талафот қўради. Лекин маълум меъёр асосида пул тўламаслигига мижозларнинг эмас, алоқачилар ҳам айбдор ҳисобланади. Чунки улар абонентлар билан ўзаро муносабатларни чигаллаштириб юбордилар.

Шубҳасиз, алоқачилар қийин шароитда яшайтилар. Пул тўламаганлар масаласида қатъий қарорга келиш зарур. Аҳолига хизмат кўрсатадиган бошқа ташиқлотлар алоқачилардан ўрнат олсалар арзийди. Агар барча одамлар ўз вақтида хизмат ҳақларини тўлаб бурсалар эди, бозор муносабатига ўтиш жараяни осонлашган бўлариди!

СЎЗЛАШУВ ҲАҚИ ОШИРИЛДИ

9 августдан «Москва шаҳарларо ва халқаро телефон» давлат корхоналари ўз хизмат ҳақларини икки ярм баробар оширдилар. Энди янги шахсплар учун Гурбий Сибирь, шунингдек, Поволжье, Урал, Крым, Кавказ, Мурманск ва ҳатто Санкт-Петербург вилоятлари билан сўзлашув баҳоси тўғрисида 12 дан 8 гача — дақиқасига 45 сўм, кундуз 8 дан —18 гача 135 сўм ва 18 дан кейинги соатларда дақиқига 90 сўм қилиб белгиланди. Фақат шундан ба яқинбада кунлари тариф дақиқасига 33 дан 75 сўмгача қийимтирилди. Шарқий Сибирь ва Марказий Осиё билан сўзлашув айти пайтда 60 дан 180 сўмгача, Узоқ Шарққа кўнгирик қилиш эса дақиқига 240 сўмга тушади. Россиянинг Урта минтақалари (Калуга, Кострома, Волгоград, Тамбов, Смоленск вилоятларидаги қариндош ёки ўртоқларингиз билан ҳол сўрашши кунинг исталган вақтда дақиқига 30 сўмдан 90 сўмгача. Телефон орқали бюуртма берганларга дақиқалик сўзлашув баҳоси олдинги тарифда белгиланган нархдан тўрт баробар қийимлади.

ҚАЙСИ ФИРМА МАХСУЛОТИ ЯХШИ

Қозғонгстон алоқачилари ўтин даврида бирмуна қийинчиликка дуч келишди. Айти вақтда Урал, Утзор, Оқтоғ лиянларга орқали ўтган 1.350 километрлик махсус телефон алоқаси гоят ачинарли ҳолатда. Жойлардаги кабеллар ишдан чиққан, усқунлар ҳаполкат ёқасида.

Бу шароитдан чиқиб кетиш учун алоқачилар уанд кўзларини хорижлик ҳамкатбларига тикдилар. Туркиянинг «Неташ» ва «Телеташ» фирмалари ташрифиди жууда яқиниб воқеа бўлди. Ўз вақтида алоқачилар «Хис рибель» турк кабел заводи билан мустаҳкам алоқа боғладилар. Турк мутахассислари бир вақтингиз ўзидан 3.480 абонентга хизмат қилувчи чиша толали алоқани йўлга қўйишни таклиф этишайтир.

ОМАДЛИ БЎЛИШ СИРЛАРИ

Анқара университетини алоқа билимлари факультети ўқитувчиси, доцент Мухаррам Ворул иш жойида омадли ва ширинсўз одам бўлиш учун баъзи сифатларга амал қилиш лозимлигини айтди. Унинг фикрича, алоқа идораларида эндигина иш бошлаган ходим вазифаларини ҳис қилган ҳолда, ўзига топширилган вазифаларини сийқидилдан адо этиши лозим. Шундагина идорада меҳнат сифати ва суръати яхшиланади.

Доцент Ворулнинг айтишича, ишга кирган ходим қуйидаги масалаҳатларга амал қилса, шубҳа йўқки, омад унга кулиб боқади:

- Заиф томонларингизни англаган ҳолда, уларни бартараф этишга ҳаракат қилинг.
- Мижозларнингиз сизни тушуниб этиши учун керакли сўзларни ишлатинг.
- Тезкор ва қўпол одамларга вазмин бўлиб муомала қилинг.
- Ҳазил қилмоқчи бўлсангиз охирини яхши ўйлаб олинг.
- Ҳаршингиздаги кишиларга муомалангиз қандай таъсир қилаётганига эътиборли бўлинг.
- Ўйлаб ўтирманг, одобсизларча сўз айтманг.
- Узлуксиз шикоятчилардан бўлманг. Ўз қарашларингизни зўрлик билан қабул қилдиришдан қочинг.

Бир йил муқаддам Киевда дастлабки Украина почта марказини таянштирувчи бағишланган маросим ниҳоятда тантанали кечганди. Марканинг келажаги порлоқлигига ишонч билдирилган.

- Шовқин кўтарманг, Ҳаршингиздаги одамни диққат-эътибор билан тингланг, айтган гапларингиз билан юз ифодаларингиз бир-бирини тўлдирсин.
- Ҳар кимнинг ишига бурнини суқаверадиган одам бўлишдан сақланг.
- Телефонда гаплаша туриб овқат еманг.
- Тушунарли, қондали ёзинг, сўзларни танабл ишлатинг, номларни, манзилгоҳларни тўғри ишлатинг, ёзганларингизни ўқиб чиқмасдан бировага берманг.

Ўқоридиригиз эзгу масалаҳатларга амал қилган алоқа хизматчилари омадли, халқ муҳаббатига сазовор бўлишлари мумкин.

ҚАДРСИЗЛАНГАН МАРКА

Аммо бошига гулчамбар ураган қиз тасвири туширилган уч бурчакли ва нархи 50 тиын турадиган марканинг умри қисқа экан.

Бугунги кунда мамлакат пойтахтининг уч кўчасидан бу кўчасига ёки бўлмаси Додеци ва Одесса шаҳарлари га хат жўнатиш учун конвертга 13 та марка ёпиштириш лозим. Бу эса хат жўнатишнинг бутун юзини эгал-

лайди. Москва ёки Тошкентга, МДҲдагига хат жўнатиш учун эса 50 тиынлик 88 та марка ёпиштирилади. Унинг нархи 44 карбованецдир.

Албатта, мижозларнинг та-

ГРУЗИЯДА ЧОП ЭТИЛДИ

Грузия Республикасининг Ырлотаган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганга бир йил тўлиши муносабати билан илк почта маркази чиқарилиди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, улар жудаям биринчи эмас. 1918—1921 йиллар орасида демократи-

гизини ҳукуматнинг тўққизта маркази чиқарилган бўлиб, уларда маҳаллий ҳокимиятнинг рамзи акс эттирилганди. Янги маркалар Испанияда фаолият кўрсатаётган «Эдидион—2002» немис фирмаси томонидан чоп этилган.

олувчиларни ҳам раикитиб қўймоқда. Буни ачинарли ҳол деб ҳисоблаймиз. Нафақа пуллари кўрсатилган муддатидан анча кеч келади, келганда ҳам олинмаган

Нафақасини сўраб келаятган қарияларимиз олдида қийин аҳволда қолмапиз. Ҳар сафар катта ёшдагиларга «Йўқ» дея олмас экансан. Халқимиз кексаларимиз сабрқаноатли. Шунга шукрона қилмасдан иложимиз йўқ.

Зулайҳо опа келаякда мустақил республикамиздаги алоқа хизматининг ривожланган мамлакатлардаги каби тезкор, бекаму кўст бўлишини, замонавий жиҳозлар билан таъминланишини, меҳнатни қадрловчи, ўз халқини, ватанини сийқидилдан севувчи соф вилқонли кишилар янада кўпайишини истайди.

Орзуга айб йўқ дейишди.
Э. ЭШОНҚУЛОВ,
Тошкент вилояти

Тошкент туманидаги 7-«Шифокор» алоқа ходимлари фаолияти билан танишар эканман, бу ерда мижозларга хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўлдим. Аҳил жамоа аҳолига намунали хизмат кўрсатишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган.

— Бўлимимиз Охунбоев номидаги жамоа хўжалигининг Минчурин, Олча, Узбекистон, Школьная кўчаларида истикомат қилувчиларга хизмат кўрсатади. — дейди бўлим бошлиғи Зулайҳо Сеқсенбаева. — Учта почтачмиз бор. Булар Абдулла Ҳотамов, Шукрулло Абдураҳмонов ва Мавлуда Обидовалардир. Улар ўз вазифаларини доимо аъло даражада бажаришга ҳаракат қилишади. Чунки самарали

меҳнат қилишлари учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Ойлик маошлари, мукофот ва тушилик пулларини ўз вақтида олиб туришибди. Кўп болали ходимларга моддий ёрдам уюштирилган.

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

Бўлим 420 нафар обуначи ва 600 нафар нафақахўрчага хизмат кўрсатади. Мижозлар рўзнома, хат ва шикоятномаларини ўз вақтида олиб туришибди. Афсуски, нафақани ўз вақтида ва тўлиғича етказиб беролмаётганимиз бизни ҳам, нафақа

миқдордан кам бўлади. Миқдор учун август ойида 200 киши нафақа ололмади. Кейинги ойда қўшиб бермоқчимиз, агар пул етарли бўлса. Бу бизнинг айбимиз эмас. Гоҳида банқда пул бўлмаса, гоҳида бор пул ҳам бошқа мақсадларда ишлатилади.



ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Ўзбекистонда кўпчилик газета журналлари ўқиб турадиган одамлар орасида реңгенолог табиб ва истеъдодли қалам соҳиб Зикрилла Эгамбердиев ва унинг олима қизи Зарифа Эгамбердиева номларини эшитмаганлар кам топилади. Зикрилла ака Эгамбердиев 20 дан зиёд китоблари, рисоллалари билангина эмас, балки қувноқлиги, одамхунлиги билан ҳам машҳурдир. Унинг мароқли китобларини нашр этишга сеvimли адибларимиз Уткир Хошимов, Эмин Усмонов ва бошқалар ёрдам беришган. Зикрилла ака ҳамма журналистларнинг саломатлиги учун ўзини жавабгардай ҳис этиб, уларни ё ўзи даволайди, ё топилмас дори-дармон топиб беради. Гоҳо хафақонликка учраган бирор журналистни учратса, латифа айтиб, ҳазил-мутойиба билан кўлдириб, бир лаҳзада чиройини очиб юборади.

Мана шу Зикрилла ака нима бўлди ўзи хафақонликка учраб, 5-6 ойгача асабланиб, ухлай олмайдиган бўлиб қолди. Сабаби — уйда аёллари Хурбиби аллақандай қимматбаҳо нарса ни йўқотиб қўйган экан. Биз Зикрилла акани юпатиб, ҳазил қилиб кўлдирмоқчи эдик, бўлмади. Кулай дейди, кулолмайди. Ухламай юргани учун озиб кетибди.

Зикрилла аканинг бахтига унинг касаллигини яна бир табиб, шифобахш гнёҳлар олими Мирзааҳмад ака Азаматов эшитиб қолдиби. У Зикрилла аканинг уйига бориб, «Нега шу вақтгача айтмадингиз?» деб уришди. Сўнг Бўстонлиқдаги тоғдан териб келган бир гнёҳ би-

лан муолажа қилади. «Бугундан бошлаб донг қотиб ухлайсиз!» дейди у. Зикрилла ака ишонамайди. Аммо табиб дўстининг ҳурмати учун гнёҳни чойга дамлаб ичди.

Шу кеча Зикрилла ака донг қотиб ухлаб қолади. Эртасига, индинига, ундан кейин ҳам яхши ухлайдиган бўлиб, асаби жойига тушади. У Мирзааҳмад аканинг доирисидан кампирни Хурбибига ҳам ичирди.

Зикрилла ака тузалиб, энди ўзи ҳам бошқа беморларни даволай бошлади.

«Муштум» журнаlining муҳаррир муовини, масалчан шoir Олим Қўчқорбеков оёғи зирқираб оғриб, оқсоқланиб, юришга қийналиб қолади. Ёзувчилар уюшмасига бир юмуш билан борганида оддий қоровул ва табиб Мирзааҳмад акага оёғи ва бел оғриғидан шикоят қилди. Мирзааҳмад ака уни ҳам «Нега аввалроқ айтмадингиз?» дея койида ва уймага боринг, деб тайинлайди. Олим Қўчқорбек бир ҳафтадан зиёд қатнаб, оёғи ва бел оғриқларидан қутулади.

Араб тили муаллими, Мисрда бинокор бўлиб ишлаб келган Ташболта ака Имомов Тошкент четроғидаги бир масжидга имомхатибликка тайинланди. У қанқиллар олдидаги бурчини шикоятдан бажариб юрганида дарга чалинди. Боши зирқираб оғриб, бели ва оёғидан мадор кетди. Мирзааҳмад ака бу одамини ҳам дарддан халос қилиб, дуосини олди.

Қон босими, жигари, бош оғриғидан азоб чекаётган лабазли чевар Махфуга Қодирова, унинг келинойсини

Арофат Қодирова шифобахш гнёҳлар устаси Мирзааҳмад акада даволанади, тўй кийим-кечакларини ўзлари тикадиган бўлиб қолишиди.

«Ҳикматлар хазинаси», «Ҳикматлар гулдастаси» китобларининг тўпловчиси ва табиб Мирзааҳмад Азамат Ибн Сино номидаги Ўзбекистон республикаси экстрасенслар уюшмасининг аъзосидир.

У касалларни шифобахш ноидир гнёҳлар, зирворлар, биологик нур ёрдамида таъсир ўтказиш, силаш ва уқалаш, ҳар хил дуолар ўқиб дам солиш йўллари билан даволайди. Шунинг учун ҳам унинг ҳузурига келган беморларнинг 90 фоизи яратган оллоҳнинг мадади билан шифо топиб кетмоқда.

Бош, ич касалликлари, қулоқ, кўз жароҳатлари, яра-лар, тери тошмалари, қон касалликлари, ёш болалар, ўғил-қизлар, келин-куёвлар, эркак, аёллар касалликларининг ҳамма турларини муолажа қилади.

Асаб, ваҳима (кўрқоқлик), уйқусизлик, юрак касалликлари, бод, безгак, иситма туз йиғилиши, фалажлик, фарзандсизлик, бадан оқлиги, палаж, суяк сили, ўпка сили, қизамиқ, чечак, ўта сезимларни оздириш, сандовиллик, сўзак, саратон (рак), ички ва ташқи хавфли ишларни, чиққонларни, даб-бални (чурра тушиш), соқсоқлини бевақт тўкилиши каби касалликларни ҳеч қийинчиликсиз даволайди.

Мирзааҳмад ака 15 йилдан бери беморларни даволаб келади. Унинг қўлида шифо топганлар ичиде 30-40 йиллаб касалликдан тузалолмай юрганлар ҳам анчагина эди. Ҳаммалари даво топиб, хурсанд бўлиб кеттишган. Қўлининг дард кўрмасин, шифокор!

Маҳмад МАХМУД,
Маъруф ЖАЛИЛ

МУСОФИР БЎЛМАГУНЧА

Тогнинг юксалиги ундан бироз узоқлашганда ҳис этилади. Болаликнинг қадрини ёш ўтган сайин билинаверади. Худди шундай, Ватан қадрини ҳам ундан йироқ тушгандагина ўз қудратини кўрсатади.

«Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайди», дейди халқимиз. Дарҳақиқат, қалбда заррача Ватан туйғуси бўлган зотнинг қисматига юртдан айрилиш тушса, унинг кўнгли Она-дўёр соғинчи билан тобора тўла боради.

Ватан бу, аввало, инсон эркининг муҳим омилдир. Ҳатто айтиш мумкинки, Ватан бу эрк, эрк эса Ватандир. Чунки Ватанда яшаб унинг учун ҳеч нарса қилолмаслик, кўнглидаги озғуниятларни амалга оширолмаслик, ниҳоят ўз элигиде Ватанини ҳис қилолмаслик Ватансизликдир!

Биз Туркияда бир вақтлар большевиклар дастидан қочиб келган ўзбек, татар, қозоқ, қирғиз ва шу муҳожирларни кўп учратдик. Шулардан бири Фозил ака эди. Унинг ҳал қилинмаган моддий масаласи гўё йўқдек... Каттагина бир сўт корхонасининг соҳиб, дангил-лама уй-жой, машина, обрў... Фақат бир масала—Ватан соғинчи уни қийнайди. «Ҳеч нарсдан илолмайман», дейди унинг ўзи,—аммо бошқа қушлар орасига тушиб қолган бўлбулдек ҳис қиламан ўзимни. Мен ўзим шу ерда туғилиб ўсдим, шу еринг тузини ичдим. Бу ерликлар ҳам ўзимизники, бирок яқинда Ўзбекистон, Қирғизистон томонларга бориб келдим ва айтишим керакки, шу пайтгача нотаниш бўлган туйғулар билан юрагим тўлиб тошди. Қандайдир бошқа, кўнглига яқин, қадрдон ҳислар эди улар. Тошкентда

метрога тушидим, поездга кирайишим билан: «Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади, кейинги бекат — «Ўзбекистон» деган овоз янгради ва бошимдан оёғимнинг учига-ча титраб кетдим. Ахир бу бизнинг тил-қу, биз уйда-ойлада, қариндош-уруғлар орасида гаплашадиган тил! Уша лаҳзада мен Ватанининг яна нимасиндир англадим, ҳис этдим. Кейинроқ, қошу-қушалари бизникига ниҳоятда ўхшаб кетадиган ақроқларни-яқинларимизни кўрганда, ота-боболаримиз қадрини зиёрат этганда ҳам ана шундай туйғулар оғушида қолдим. Ватан ҳақида ўйладим».

Фозил ака ота-боболари юрти — Ўзбекистонга қайтишни истади, аммо Туркия ҳам унга жондек яқин бўлиб қолган. Чунки унинг бутун ҳаёти, қувонч-ташвишлари, шу тупроқ ва шу ерининг одамлари билан боғланган.

...Англаган Ватан инсоннинг ўзидан бошланган, Оллоҳ даргоҳи томон ҳаракатланади. Нафақат инсониятнинг, балки барча жондорларнинг бирдан-бир гўшаси, абдий маскани, паноҳи, Ватани ҳам Оллоҳнинг ҳузуридир.

Бу омонат дунёнинг инсонга ҳақиқий маскан — абдий Ватан бўлмаслиги маълум. Демак, ҳақиқий Ватан—Оллоҳ даргоҳидир. Муқаддас даргоҳга эса ймонли бўлмасдан етишиб бўлмас. «Ватанин севмоққоқ йимондандир» деган ҳадиснинг маъноси балки шудир. Бирок йимон, аввало, ўзимиздан, ўйлаётган ўйларимиздан, қилаётган ишларимиздан, кўнглига туккан ниҳоятимиздан, яшаб турган шу тупроғимиздан — Ўзбекистонимиздан бошланганини ёдда сақламоқ зарур.

Улуғбек АБДУЛҲАҶОБ,
ТошДУ аспиранти

«ТИНЧЛИГИНГ—ЭНГ КАТТА БОЙЛИК»

ИҚТИСОД, ТИЖОРАТ ҲАҚИДА АРАБ МАҚОЛЛАРИ

Араб халқлари ҳозирги вақтда Кичик ва Олд Осиё, Яқин Шарқ, Шимолий Африкада — Сурья (Шом), Ироқ, Миср, Ливан (Лубнон), Ливия, Иордания, Жазоир, Марокаш, Саудия Арабистони, Судан, Тунис, Фаластин, Яман, Уммон, Адан (Бирлашган Араб амирликлари) ва бошқа мамлакатларда яшапди.

Араб тили семий (семит) тилларига гурӯҳига мансуб бўлиб, унинг Миср, Судан, Мағриб, Ҳасания (Мавритания) дахжралари бор. Адабий араб тили бу давлатлардаги барча араблар учун ягонадир. Араб ёзуви миоллодан аввалги оромий ёзувлар асосида вужудга келган бўлиб, айни пайтда БМТнинг расмий халқаро тилларидан бирдир. Араб тили луғат бойлиги жиҳатидан ҳам беқиёсдир. У Эрон ва Ўрта Осиё халқлари тилларининг бойишига, катта ҳисса қўшган.

Қўлида савдо, тижорат ҳақидаги араб мақолларини эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

Неъматилло ИБРОҶИМОВ,

Тошкент давлат Шарқшунослик олий илмгоҳининг ректори.

Бой-бадавлат яшаш қарздорликсиз яшайдир.

Бойга ҳасад қилишининг ўзи қашшоқликдир.

Бесабр камбағал ёғсиз чирокдонга ўхшайди.

Иш билмасдан сўз билиш [ўз сўзига амал қилмаслини] пастнашликдир.

Ҳар шаҳарда дўст орттир. Кечқурунги гап (баъзан) эрталабни гапга тўғри келмайди.

Қариндошлар билан ёвлашма.

Қариндошнинг ёвлиги чаён захридай.

Эрта турганининг ризқи улуғ бўлади.

Нодон сўз билан сўкншади, оқил иш билан.

Аҳмоқнинг жаҳли тилида, оқилнинг жаҳли ишида [оқил аламини яхши иш билан тарқатади].

Юрган дорё, ўтириб қолган—балло.

Пул, бойлик қуш каби —гоҳ унади, гоҳ қўнади.

Фарзандлар аввал камба-

ғаллик келтиради, кейин бойлик.

Тажриба ақлни оширади.

Кенгашли тўй тарқанас.

Маслаҳат билан пишган ош ширин бўлади.

Бойлигинг кўпайса — дўстларнинг ҳам кўпаяди.

Бошлик бўлсанг бошлик бўл [бошсиз бўлсан].

Оққўзлик қайинида улфатинг ҳам-қуфатдур.

Сенга яхшилик қилсанг — ҳаммага айт, ўзинг бировларга яхшилик қилсанг — ҳеч кимга айтма.

Итга ишинг тушса ака дейсан.

Бошлиққа яқинлашай десанг дарвозабон [қотиба] билан яқин бўл.

Раҳбарни тез-тез алмашадиган давлат вайронликка юз тутади.

Ҳасадчига давлат қуши кўнмайди.

Халқни ҳимоя қилсанг амир бўласан, халқни тўйдирсанг — шайх.

Ивгогар бир соатда бир ойлик иш ортиради.

Меҳмон келган пайтда хожа, дастурхонга ўтирганида — асир, хурсанд кетаётганида—шоир.

Қарз бераётганинда сенга дўст, қарзини қайтариб олаётганинда—душман.

Ақли қисқанинг тили узун бўлади.

Уят йўқолганида қулфат келади.

Кемада икки дарга бўлса — чўқади.

Подшоҳлар одамларга, олимлар — халқларга бошлик.

Худодан кўрққан одам одамларнинг жасуридир.

Излаган — топади [Излаганга толе ёр].

Оқибатини ўйлаган одам оқил одамдир.

Бировлардан қулган одам ҳурматини йўқотади.

Сал нарсаса жаҳли чиққан одам дўстларидан айрилади.

Майда гапларни айтадиган одам майда нарсаларга эришади.

Ким зўрлик билан ўз фикрини ўтказса, зўрликдан ўлади.

Кам ўйлаган одам жавоб айтишга шошилади.

Тўхум ўғирлаган бола товуқни ҳам ўғирлайди.

Озга қаноат қилган бой одамдир.


Жамоа тўясидан кўра ўз мушугинг афзал.

Энг яхши ишлар ўртача [меъёрли] ишлардир.

Одамлар билмаган нарсаларини севмайди.

Ҳокимият қамчисини узун, кстаган жойига етади.

Ўз пулини севган одам дўстларини севмайди.



Хусайн Вонз КОШИФИЯ

«АХЛОҚИ МУҲСИНИЙ» ДАН

КИМ БИЛАН ДУСТЛАШИШ КЕРАК

Дўстликдан бирон манфаат кўзламай диган ва беш хил хусласиятга эга бўлган киши билан дўстлашиш керак.

Биринчи: дўст ақлли бўлиши керак, зеро ақлсизлик яхшилик белгиси эмас. Донолар: «Ақлдан дўстдан ақлли душман яхши» деганлар.

Иккинчи: дўст хушфезъл бўлиши дозим, чунки бадқаҳрлар билан тил топиши қийин.

Учинчи: дўст бадфезъл бўлмаслиги лозим.

Тўртинчи: у бегараз бўлиши даркор. Бешинчи: дўст алдоқчи, рижкор, қаллоб бўлмаслиги керак, чунки бундайларнинг дўстлигига ишониб бўлмайди. Агар сен ҳақиқий дўст топсанг, қуйидагиларга амал қил:

Дўстнидан ҳеч нарсани аяма.

Унинг сирларини қалбингда сақла, ҳеч кимга ошкора қилма.

Одамлардан унинг нуқсонларини яшир, камчиликларини фақат ўзига айт, токи уларни тузатсин.

Унинг гапларига диққат билан қўлоқ тут.

Ундан аччиқланма, шунингдек, унинг гапларидан нуқсон излама.

Дўстнинг ҳурмат билан муносабатда бўл.

Унинг хушфезъллиги учун миннатдорчилик ихзор эт.

Дўстнингнинг ўзи йўқлигида уни доимо яхши сўз билан эсла.

Агар дўстнингга бирор нарсани ўргатмоқчи бўлсанг, бунга эҳтиёткорлик ва самимийлик билан амалга ошир.

Унинг айбларига эътибор берма, уларга кечир.

Унинг елқасига ўз юкингни ортма.

Дўстнинг қувонса — сен ҳам қувон, қайгурса — қайгур.

Дўстнингга айтадиган биринчи сўзинг унинг учун соғлиқ тиламоқ бўлсин.

Дўстнингга бўлган ҳурматингни ҳаддан ошириб кўрсатишга уринма.

Дўстнинг ганжраётганида гапларини бўлма.

Ўзингга нимани раво кўрсанг, дўстнингга ҳам шуни раво кўр.

Жамоат жойларида доимо дўстнингни олдинга ўтказ ва тўрдан жой бер.

Керак бўлган пайтда дўстнингга ҳимоя қил.

Дўстнингнинг душманлари билан дўст, дўстлари билан душман бўлма.

ТЎҒРИ ЮРИШ ҚОИДАЛАРИ

Киши кўчада юришга мажбур. Унинг кўчада юриш-туриш қондасига қанчалик риоя қилишига қараб, кишилар унинг қай йўсинда тарбия топганлигини билиб оладилар.

Инсон уч йўналишдаги кўчада: умумий шоҳ йўлда, бозорда ва шаҳарнинг муайян гузарларида юриши мумкин.

Умумий шоҳ кўчадан юрганда санкият қондага риоя қилиши керак:

Биринчи: заруратсиз кўчага чиқма.

Иккинчи: кўчада ялангоёқ юрма.

Учинчи: ўзингни баянд ва мағрур тутма.

Тўртинчи: эҳтиёқ тўғилмаса, гаплашмасдан юр.

Бешинчи: ёмон жойлардан ўзингни узоқ тут.

Олтинчи: тозароқ йўлни танлаб юр.

Еттинчи: узоқ йўл юришга оdatлашма.

Сажкизинчи: катта одим ташлаб юришга ўрганма.

«Бозорга борганда етти қондага риоя қилиш керак:

Биринчи: бозорга борганинда ҳеч кимни елканг билан туртма.

Иккинчи: кишиларнинг орқасидан тикилиб қарам.

Учинчи: оғзингни очиб анқайиб турма.

Тўртинчи: бировни узоқдан баянд овоз билан чақирма.

Бешинчи: ишнинг бўлмаса, пештахта олдида турма.

Олтинчи: харид қилмайдиган бўлсанг, бировнинг молининг нарҳини сўрама.

Еттинчи: зарурати бўлмаса, олди-сотида харташасига аралашма.

Шаҳарнинг одамлар яшайдиган гузарлариндан ўтаётганида одобнинг ўн

бир қойдасига амал қил:

Биринчи: йўлда кетаётиб бошингни чайқам, атрофга кўз ташлама.

Иккинчи: қизисиниб томларга ва ҳовлининг бошқа очиқ жойларига назар солма.

Учинчи: очиқ эшикка ҳам қарам.

Тўртинчи: йўлда одамлар билан тикилиб юрма, бошқаларнинг йўлини тўсма.

Бешинчи: бегона болалар билан гаплашма, уларнинг бошини силама, ўпма, кучоқлама.

Олтинчи: агар зарурият туғилмаса, бегона гузарларда юрма.

Еттинчи: тинчликни бузма, бор овозингни қўйиб қўлиңг айтма, бақириб гапирма.

Сажкизинчи: ерда гимирлаб юрган тирик жонотларни эзиб юбормаслик учун аста қадам бос.

Тўғизинчи: ишнинг бўлмаса, катталарни бемаврид бевотва қилма.

Учинчи: бегона эшиклар олдида санқиб юрма.

Ун биринчи: бўҳтончилар гузарига асло бора кўрма.

ОТА-ОНА БИЛАН ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА БЎЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Агар ота-оналар билан муносабатнинг ўн бир қойдаси нисмалардан иборат, деб сўрасалар шундай жавоб бер:

Биринчи: доимо ота-онанга ҳурматда бўлиб.

Иккинчи: улар учун дувёнинг барча бойлигини ҳана аямаслик.

Учинчи: ота-онани уларнинг ҳурмати-ни бажо келтирганингни асло эслатмаслик.

Тўртинчи: уларга ғазаб қилмаслик.

Бешинчи: ота-онанинг биринчи чақирилари билан олдиларига етиб келиш.

Олтинчи: ота ва она билан гаплашганда юзни буршитирмаслик, жаҳл қилмаслик.

Еттинчи: ота-онанинг барча истакларини бажо келтириш.

Сажкизинчи: ота ва она билан суҳбатлашганда овозини баянд кўтармаслик.

Тўғизинчи: ота-онанинг рухсатисиз сажхатга чиқмаслик.

Учинчи: ота-онанга қувонч келтиришга интилиш.

Ун биринчи: ота-онани муқаддас деб билиш, чунки барча гўзалликлар ўшалар туфайлидир.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

1918 йил 22 феврал кунини сотат 6.30 да АҚШнинг Иллинойс штатидаги Олтон шаҳрида дунёга келган Роберт Першинг Уодлоу расман инсоният тарихидаги энг баянд бўйли эркек деб тан олинган. Туғилган вақтида унинг вазни 3,85 кило эди. Икки йиллик чоғида боланинг ҳурреси тушди ва оператсиядан сўнг гайритаббий равишда ўса бошлади. 13 ёшида бўйи 218 сантиметр, 17 ёшида 245 сантиметрга етди. 1940 йил 27 июн кунини Вашингтон дорифунуниндаги Тиббнёт мактаби олимлари Роберт Уодлоунинг бўйини ўлчаб, 272 сантиметрга етганини кўрсатишди. Орадан 18 кун ўтгач, яъни 1940 йилнинг 15 июлида Уодлоу Мичиган штатининг Манисти шаҳридаги меҳмонхонада қорвон к-

саллигидан вафот этди. Қизинги шунданки, бемор оёқларининг сезиш қобилияти чекланган бўлиб, сўнгги хасталиги даврида ҳам ўсишдан тўхтамаган. Агар ақали бир неча ой яшаганида ҳам Уод-

лиги 32,4 сантиметрга тенг эди. У Олтондаги Оукауд қабристонига узунлиги — 328, энг — 81, чуқурлиги — 76 сантиметрли тобутда дафн этилган. Бугунги кунда ҳаёт бўлган

1989 йили Мухаммад оила қурди, бугунги кунда у Покистонинга Саҳрон шаҳрида яшаб, меҳнат қилмоқда. Роберт Уодлоудан ташқари, бўйи 244 сантиметрдан ортиқ яна тўққиз киши бўйдорлар рўйхатида расман қайд этилган. Уларнинг еттиасида дарозлик мия безларининг нотабий фаолияти, бурун, тил, леб, даҳан, қўл ва оёқларининг катталовиб, бесўнақайлашиб кетиши касаллиги билан боғлиқ. Хусусан, АҚШнинг Теннесси штатидаги Галлатина шаҳрилик Жон Уиллам Роған (1871—1905)нинг бўйи 264 сантиметр эди. Унинг бўйи ўтирган ҳолатида ўлчанган, чунки тизза ва бел бўғинлари фалежланганлиги туфайли Роған ўрнидан туролмасди. Унинг бўйи вафотига қадар ўсишдан тўхтамаган.

ЭНГ БЎЙДОР ЭРКАКЛАР

лоунинг бўйи 274 сантиметрдан ошиб кетиши мумкин эди. Унинг энг оғир даври 21 ёшга тўлган кунини қайд этилган ва 222,7 килога тенг бўлган. Улимни олдиндан эса унинг вазни 199 кило эди. Уодлоу 37 АА ўлчалли (47 сантиметрли) пояфзал кияр, кафтнинг ёнгли ҳолатидаги узун-

энг баянд бўйли одам эса Покистоннинг Бачалчанна шаҳрилик, 1953 йили туғилган Мухаммад Аълам Чаннадир. Унинг бўйи 233,6 сантиметрга тенг. Мухаммад 10 ёшга тўлгандагина ота-онаси ўғилларининг бўйи гайритаббий равишда ўсаётганини илғашди. У 26 ёшида ўсишдан тўхтади.

АЖАБ ДУНЁ

НОГИРОНЛАР УЧУН

Японияда бармоқча худди ангишона каби кийилмайдиган шарикли авторучкадан фойдаланиш расм бўлди. У аслида шарикли ручкани қўлда яхши ўшаламайдиган ногиронларга мўлкяллаб ишлаб чиқарилган эди.

Аммо у бошқа харидорларга ҳам маъқул тушиб қолди.

55 МЕТРЛИК ГИЛАМ

Франциянинг Байе шаҳридаги музейда XI асрда тўқилган млам сақланади. Нормандия герцогига атаб тўқилган, узунлиги 55 метрлик бу гиламдаги суратларда нормандларнинг 1066 йили Англияни босиб олиш манзараси тасвирланган.

Кабоб тайёрлаш Европада VII асрдан бошлаб расм бўлган ва у сурьяликлар томонидан олиб келинган деган тахминлар мавжуд.



Фаргона вилояти Қўва туманидаги «Анор» халқ ансамбли. Суратнаш У. ҚЎШВОҶОВ

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

ТУЯБОП

(ЭРТАК)

Бир бор экан, бир йўқ экан, яқин-яқин замонларда бизга яқин томонларда бир сахро бўлган экан. Сахронинг ёнгинасида бир кичини ва шўх дарё бўлган экан. Уша дарё ҳозир бор эмис, ҳозир ҳам шўх эмис. Аммо ёнгинада сахро энди йўқ эмис. Нега дейсанми! Бунини ҳозир сўйлайман. Гоҳ сўзлаб, гоҳ бўтадай бўзлайман.

Уша яқин замонларда уша сахро ёнгина дарё ёқисинда яқинга ёлғиз битта ўтов бўлган экан. Уша яқинга ёлғиз ўтовда бир қозоқ амаки яқинга ёлғиз яшар экан. Унинг ўзидаяқ яқинга ёлғиз бир туяси бўлган экан. Қозоқ амаки уни доим «Бўтам» деб эриклаб гапирар экан. Туябоп ҳам гапга тушунар экан. Чунки у ақлли Туябоп экан-д.

Туябоп «лоп-лоп-лоп» келиб ўркан экан. Устада тоғ чўқисидай битта ўркан бор экан. Ҳар лопиллагинида ўрканчи гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга эгилар экан. Ушанда ўрканчи қоплаб олган кўнгири раңгли юнглири баҳайбат елпичидай селкиллаб-селкиллаб, ҳавода шамол пайдо қилар экан. Бундан Туябопнинг ўзи ҳам завқланар экан. У шундай мазза қилиб антоқ еб юрганда сахронинг баракаси уча бошлади. Аввал сахрога қайқандир, бинокор ишчилар келишиб, ўзларига кичини-кички омонат учалар қўриб олишди. Туябопнинг тушига ҳам кирмаган алланми балолар етиб келаверибди, етиб келаверибди. Уларни ишчилар машиналардан ерга тушираверибди. Бутун сахронин қўлоқни кар қилгудай шовқин-сўрон босиб кетибди. Ишчи амакилар баянд-балад киморатлар қўра бошлашибди. Борган сари сахро торайиб-торайиб, Туябоп ейдиган бир туп ҳам антоқ қолмабди. Шунда қозоқ амаки ўтовини янгиштирибди, Туябопнинг устига ортибди-да, «ҳайб-ҳув» деб боши оққан томонга кетаверибди. У Туябопни етаклаб борар экан, унга далда бермоқчи бўлибди:

— Хафа бўлма, Бўтам,— дебди у йўлда кетаётиб,— «Ўрган — дарё, ўтирган — бўйра» дейдилар. Юраверсан, юраверсан, бирор сахронин топиб оларман. Яна нимамиз юришиб кетар.

Қозоқ амаки Туябопга ёндадиган гапин айтган экан. Ахир Туя зоти сахро билан, сахродаги антоқ билан тиркич-да.

Туябоп гапга тушунгани билан ўзи гапириниш билмас экан. У ўзича ичидаяқ ўйлар эмиш: «Майли, сахрога етганимизча чндайман. Қирқ кунгача оч юра оламан. Эричмакдаги ёним эриб тамом бўлгунча чндайман. Бироқ, сўвсизликка чндайман... Йўлда сув учраб турса бўлгани...»

Қозоқ амаки Туябоп зерикмасини деб ашула бошлаб юборибди. Бироқ унинг ашулеси сахродагидай яхши чиқмабди. Яхши жарағламабди. Узоқ-узоқларга тарқалиб кетмабди. Бунини Туябоп ҳам сезибди.

Шундай қилиб, улар сахрога етишиш умидида йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Қирқ нечаю қирқ кундуз йўл юришибди. Бироқ ҳеч қаерда бир парча ҳам сахро кўринмабди. Шундоқ бўлса ҳам улар яна йўл юришда давом эттаверибди.

Улар сахронин топишбдими деб сўравердилар. Бу саволнигизга жавоб беролмаман, болажонлар, қизалоқлар. Афсуски улар сахрога етишди-ларини, йўқини, бундан мен ҳам бебабарман. Бироқ уларнинг сахрога, антоқча етиб олишларини жуда-жуда истар эдим...

Ортиқбойни райондаги-
хар «пухта одам» деб ата-
шади. Чиндан ҳам пухтали-
да унинг олдига тушадигани
топилмаसा керак. Унинг
пухталиги шунчаликки, гу-
гурт чақидан олдин учқун
бирор ерга тушмасин, деб
қонувида сув тайёрлаб ту-
ради. Кечқурун ишдан ке-
тишдан олдин хонасидаги
телефон аппаратыни сейфага
солиб, қулфлайди. Уйига
келгач, туфлисини ечиб,
сичқон ўлдирадиган дори
сеиб қўяди.

Хотини нон ёпадиган тан-
дир қаршисига олти бочка
сув тўлдириб қўйган. Хар
кун эрталаб туриб улардаги
сувини товуқ, чумчуқлар ичиб,
қамайтуриб қўймадимкин,
деб текшириб кўради.

Ортиқбойнинг уйланиши
ҳам қизиқ бўлган. Районда-
гилар буни ҳалигача гапириб
юришади. У жуда пухтали-
ки билан уйланган. Бўлажак
қайлигининг қандай кийим-
лари ёқтириши ҳақида маъ-
лумот тўплаган. Унинг
уйига қандайдир баҳона бил-
дан бориб, пиширган овқа-
тини еб кўрган. Ҳақиқат мак-
табига бориб, муаллимлари
билан суҳбатлаган. Иш-
хонасига бориб, гап-сузларига
қулоқ тутган. Район поч-
та бўлимига кириб, унга
қаерлардан хат, откриткалар
келиб туриши билан қизиқ-
қан. Қизининг танишлари-ю,
қўшнилари билан маслаҳат-
лаган. Фақат шундан ке-
йингина тўйни бошлаган.

Ортиқбой кичикроқ маҳ-
камада таъминотчи бўлиб
ишлайди. Шкафдан сал кат-
тароқ алоҳида кабинетни бор.
Кабинет ойнаси бир қават
жан, икки қават қилдириб
темир панжара ишлатди.
Қоровулдан илтмос қилиб,
дераза тагига чангал бостир-

Афандулнинг ХУРЖУНИ



ди. Кабинет эшигининг му-
тақамлигини кўриб, ёқан-
гизни ушлайсиз. Эшикни
Арзимет устага айтиб, мах-
сус ўрик ёғочдан тайёрлатди.
Хуллас, унинг хонасига ҳат-
то пашша ҳам киришмайди.
Ортиқбойнинг эрталаб иш

— Олтиноймисан?
— Ҳа.
— Бугун кун салқинроққа
ўхшайди, пальтонинг кийган-
мидинг?
— Ҳа.
— Туя жунидан тўқилган
жемперни-чи?

да туриб қолибди. Самолёт
га билет олинган.

Кўп ўтмай бошлиқ уни
машинасида аэропортга ет-
казиб қўйди. Ортиқбой соат-
га қараган эди, ҳали учин-
га беш-олти минут бор экан.
У телефон будкасига гизил-
лади, шопилиб уй рақамини
терди.

— Алло, Олтиноймисан!
— Ҳа.
— Мен икки кунга Тош-
кентга хизмат сафарига ке-
ташман. Уйдан чиқганин-
да сув қувурини маҳкам
беркиттайсан.

— Ҳўп.
— Газни ҳам ўчиришни
унутма.
— Яхши.

— Товуқларга сув қўйи-
ши ҳам унутиб юрма. Икки-
та хўрозни алоҳида-алоҳида
қама. Уришиб, бир-бирининг
тоқини чўқиб ташлайди.

— Ҳўп бўлади.
... Ортиқбойнинг пухталиги
ошиб кетиб, авлига бундан
бошқа ҳам топшириқлар бе-
ра бошлади. Фақат бир нар-
сага пухталини қила олмай
қолди. У топшириқ бериб
бўлгунча самолёт ҳавога
кўтарилган эди.

**Қорақалпоқчадан
М. Исломоқуллов таржима-
си**

Сайловбой ЖУМАҒУЛОВ

ПУХТА ОДАМ

бошлаши ҳам қизиқ. У эшик-
ни очиб, аввал, хонадаги
буюмларни бир-бир кўздан
кечириб чиқади. Календарь
варағи, ҳисоб чўт доналарини
санайди. Қалам, ручкалар-
нинг ҳар бирида ёзиб кўра-
ди. Кечқурун ишдан кетиш-
да сейфа беркитиб кетган
телефонни олиб, хотинининг
ишхонасига қўнғироқ қилади.
Бугун ҳам худди шундай
бўлди. Керакни рақамни те-
рган эди, гўшакдан хотини-
нинг таниш овози эшитилди.

— Лаббай, эшитаман...

— Униям кийганман.
— Тунов кунни шаҳардан
совғага олиб келган шарф-
фимни урадингми?

— Урадим.

Ортиқбой трубкани қўйиб,
енгли нафас олади.
Орадан ярим соатча вақт
ўтгач, бошлиқ котибаси шо-
шилиб кириб келди:

— Сизни бошлиқ чақир-
птилар.

— Тинчликми, ишқилиб?
— Шопиливч, Тошкентга
учар экансиз. Бизга жуна-
тилган юк қайсиим станция-

ни кўтариб юраверинишади.

Қўёшга тикилганда кўзин-
гизни қисиб олинг, шунда
ундаги доғни бемалол кўра-
сиз.

Сувга тош ташласангиз
ундаги тўқилларга қаранг,

МУАССИС: Ўзбекистон
Республикаси Алоқа
Вазирлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ислом УСМОНОВ

(бош муҳаррир
ўринбосари)
Ёқубжон
ХУЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Бўрибой АҲМЕДОВ
Билал АМИНОВ
Шоҳруҳ АҚБАРОВ

Саидмаҳмуд
АҚБАРОВ
Меҳмонқул
ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ

Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нуралӣ ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000
Тошкент-35, А. Толстой кў-
часи, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-43
32-35-29, 44-29-09.
ИНДЕКС: 64800
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган
қўлёзмалар (2 оралиқда, 5
бетдан ошмаслиги лозим) ва
суратлар муаллифларга қай-
таришмайди. Мақоалардаги
фикр-мулоҳазалар, келти-
рилган факт ва рақамлар
масъулияти муаллифлар
иниҳтасидадир.

Рўйхатга олин № 000011.
Буюртма № Г-563.
24820 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида
босилди.
Формати А-3, ҳажми 2
босма табоқ.

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
маҳкамасининг
Ишлар Бошқармаси
хузуридаги «Шарқ»
нашриёт-матбаа
концерни.

Қорхона манзили:
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

ХАНДАЛАР

Автомобил фалокатига йў-
лиқдан киши бир неча кун-
дан сўнг ўзига келиб, ёнида-
ги хотинидан сўради:

— Нима бўлди ўзи, мен
энди жаннатдаманин?
— Йўқ, азизим. Ахир мен
шу ердаман-ку!

— Сизнингиз қачон эрга
вегишни ўйлайди?
— Ҳаминша.

— Ман, бир кунни уйла-
нарсан ҳам, ўғлим, ана
ўшанда бахт нима эканлиги-
ни тушунасан.

— Шундайми?

— Шундай, аммо унда
кеч бўлади.

Сержант сўради:

— Ўртоқ оддий аскар, сиз
бутун соқол олдингизми?

— Худди шундай!

— Кейинги гал устарага
яқинроқ туринг.

Бир кун Петка Чапаевдан
сўраб қолди:

— Айтчи, Василий Ива-
нович, сен бир бочка ароқни
ича оласанми?

— Ича оламан, фақат бир
бочка бодринг керак бўлади.

— Ҳмм, агар ароқ кў-ўп,
бир уммон бўлса-чи?

Василий Иванович узоқ
ўйланиб, жавоб қилди:

— Йўқ, ичолмайман. Бод-
ринг етмайди.

Бирон марта ҳам фойда-
данилмаган энциклопедик
лугат сотилади. Хотиним
усиз ҳам ҳамма нарсани
билади.

Томошабинларнинг олқи-
шига сазовор бўлган машҳур
қўшиқчи автомобил ҳалокат-
ига учради. Қўл ва оёғи,

ТЕША ТЕГМАГАН ГАПЛАР

умуртқаси дабдала бўлди.
Аммо муҳлислар ортқча
азият кечинмасин: қўшиқ-
чининг овоз пардалари лат
емаган.

Жаннатда ҳамма нарса
яхши, фақат дўзахдан бат-
тар зерикарли.

Жуда кўп одамлар бами-
соли қазига ўхшайди: ичнини
нима билан тўлдирсанг, шу-

акс ҳолда бу ичнингиз беҳу-
да қилиқдан бошқа нарса
эмас.

Албатта уйланинг! Агар
хотинингиз яхши чиқса —
бахтли бўласиз, ёмон чиқса
— файласуфга айланасиз.

Аҳмоқлик чегара билмай-
ди. Қавриқа оёқ қўйса, ўша
жой унинг манзилгоҳи ҳи-
собланади.

Тулан ҚЎЗИБОЕВ

УЙЛАЙМИ, УЙЛАЙМИ?

(ҲАЗИЛ)

Бироз дейди: тезроқ уйла,
Бироз дейди: шовма, ўйла.
Бош қотди-ку, ўйлаш билан,
Уйланайми, ўйланайми!

Онам кистар мени кўп пайт:
— Болам бунча бўлма лоқай.
Ешнинг етди кўнглигини айт,
Уйланайми, ўйланайми!

Танлаганим жуда танлов,
Ишончилиги ҳам бор бироз.

Лекин кўнгли сая ишқибоз,
Уйланайми, ўйланайми!

Тенгдошлар уйланди буткул,
Бор шод кўнгли, ношод кўнгли.
Бу масала эмни мушкул,
Уйланайми, ўйланайми!

Бироз дейди, тезроқ уйла,
Бироз дейди: шовма, ўйла,
Нима қилдик энди, Тулан
Уйланайми, ўйланайми!



Сен қандай изоҳлайсан?

Сураткам С. МАҲКАМОВ